

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!



XXI

asr

ИЖТИМОЙ-СИОсиy GAZETA

12-oktyabr 2023-yil 41 (1039)



www.21asr.uz



@XXlasr_yangiliklari



XXlasrgazetas

xxi_asr@mail.ru



asr_xabarlarlari_news

ИФТИХОР

Маҳорат, матонамат ва куч-ироданинг ўрни бекиёс эканлигини миллий терма жамоамиз азволари яна бир бор исботлади.

Осиё ўйинларида эришишган бундай ютуқлар биз учун улкан аҳамиятга эга бўлиб, сизлар шу тарпиқа миллий спорт мактабимизнинг шон-шуҳратини, Ўзбекистон ёшлиарининг қандай буюк шилларга қодир эканини жаҳонга намоён этдингиз.

Ўз навбатида 2024 йил Парижда бўлиб ўтадиган 33-олимпия ўйинларида ҳам юксак чўққуларни забт этишинингизга ишонман!

Шавкат МИРЗИЁЕВ



БЎЛМАСАМ-ЧИ! ҲАР ҚАНДАЙ ГАЛАБА ОРТИДА КАТТА МЕҲНАТ ВА МАШАҚҚАТ ЁТАДИ. ШУ МАЪНОДА ХИТОЙНИНГ ХАНЧКОУ ШАХРИДА ЎТКАЗИЛГАН XIX ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ХИМОЯ ҚИЛГАН СПОРТЧИЛАРИМИЗ ШАҲНИГА ҲАР ҚАНЧА МАҚТОВ ВА ТАҲСИНЛАР АЙТСАК ШУНЧА КАМ.

Ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган ушбу муросасиз спорт беллашувларида катишган ўзбекистонликлар кўрсатган натижалар мақтогва сазовор. Тасавур қилинг, дунёнинг 45 давлатидан келган 11 минг спортчи орасида голибликка даъвогарлар сони унча кўп эмасди. Хитой Халқ Республикаси, Япония, Жанубий Корея ва Ҳиндистондек мамлакатларнинг миллий терма командалари орасида умумжамоа хисобни ўрин ўтталаш осон кечмади. Қанча асаббузарликлар, ҳакам-

ларнинг фирромлика йўл қўйиши, ички ва ташки мухит таъсири... ҳамма-ҳаммасини енгиг ўтиш ҳар қандай команданга насиб этаврмайди.

132 нафар спортчи, 71 та медал! Аввалиги Осиё ўйинларида солишитирганда рекорд натижага эканлиги бежиз эътироф этилмади.

22 та олтин, 18 та кумуш ва 31 та бронза медали!

Баҳодир Жалолов, Жалгасбай Бердимуратов, Улугбек Рашитов, Ҳасанбой Дўсиматов, Абдумалик Халаков, Диёра Келдиёрова, Тахмина Икромова, Севинч Раҳимова, Вилана Савадян, Эвелина Аталяни, Шарифа Давронова, Сафина Сайдуллаева, Музаффар Тўрабоев, Ольга Забелинская, Шоҳмурод Колмуродов, Нурислом Тўхтасин ўли, Умид Эсонов, Артём Штурбабин, Ҳилола Ортиқбоева, Мухсин Ҳисомиддинов, Зайнаб Дайбекова, Плиего Лара Мария Паола, Херрера Лара Луиза Фернанда, Гулистан Пердебаева, Анна Пракатен, Шехроз Ҳакимов, Дилшоджон Ҳудойбердиеv, Давиржон Ҳавронов, Алишер Турдиев,

Муроджон Йўлдошев... бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин, албатта!

Голиблик шоҳсупасидан ўрин эгаллаган ҳар бир спортчи чин маънода қаҳрамон, Ўзбекистон ифтихорида деган шарафли номига сазовор бўлди, десак муболага қилмаймиз. Деярли барча спорт турлари бўйича бошқа номдор давлат вакилларидан кам эмаслигимизни исботлаган йигит-қизларимиз номлари юртимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланмоғига шубҳамиз йўқ. Уларни ҳеч иккимасдан Янги Ўзбекистонимиз спортининг фидойилари десак арзиди.

Бундай тенгсиз галабалар, улкан муваффакиятлар замирида шахсан Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш, тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг фарҳабаши натижаси, кувончли самараси ётиди, дейишига ҳақлимиз.

Сардор АМИНЖОНОВ

БУГУНГИ СОНДА:

ҲАЛҚ ИШОНЧИНИ ҲАР КИМ ҲАМ ҚОЗОНОЛМАЙДИ

АМАЛЛАР НИЯТГА БОҒЛИҚДИР

Қонун биринчи навбатда мажбурият юлаши керак!

4c

5c

6c

ОБУНА 2024

XXI АСРНИНГ
24-ЙИЛИДА
ҲАМ “XXI asr” БИЛАН
БИРГА БЎЛИНГ!



Обуна индекси – 406.

Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.

Тадбиркорлар ва
ишбилиармонлар ҳаракати –
Ўзбекистон Либерал-
демократик партияси
Сиёсий Кенгаши Ижроия
қўмитасининг навбатдаги
йиғилиши бўлиб ўтди.



САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ РЕЖАЛАР

Партия томонидан 2023 йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар атрофли-ча сарҳисоб қилинди. Шунингдек, йил якунига-ча ва 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Ингилиш кун тартибига киритилган масалалар бўйича O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Акмат Ҳайтос қисқача мазлумот берди ўтди.

– Партияниң томонидан ўтган вақт давомида электронатаримиз бўлган тадбиркор, ишбилиармон ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилиши борабарса тизимили ишлар қилинди, – деди сиёсий куч етакчisi ўз сўзида. – Бу борада жойлардаги депутатлик гурӯхлари орқали мунтазам равишда жамоатчилик назорати олиб борилди. Аҳоли билан ишлаш, уларнинг муаммо, тақлифларини ўрганиш ва ечимини тошиш доимий ётиборимизда бўлди. Бошланғич партия таш-

килотлари, фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар йўналишида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди.

Айнек мақсадли ва давомли ишлар натижаси ўларок, партия сафига хайрикоҳлар сони кундан-кунга ортиб бораёт. Буни бугунги кунда партия аъзолари сони 1 миллион 300 мингдан ошганида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, шу йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муддатидан илгари бўлиб ўтган сайловда O'zLiDeP-ning фаол иштирок этганни ва ёришган катта ютуқларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Тадбирда ёришилган ютуқлар ва амалга оширилган ижобий ишлар билан биргаликда ҳал қилиниши озим бўлган бир қатор устувор вазифалар, камниллик ҳам айтиб ўтилди. Партияниң 2023 йил якунигача ва 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган режаси ҳамда бу борада амалга ошириладиган ишларга батафсил тұхтатиб ўтилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида“ги фармони ҳамда “Ўзбекистон –

2030” стратегиясини 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида узоқ муддатли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ишчи гурӯхлар шакллантирилди. Режага мувофиқ, бир қатор партияниг лойӣҳалар, назорат таҳлил тадбирлари олиб борилди.

Иктиносидёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва қўй квотирила уй-жой фондини 2023-2024 йиллар куз-киш даврида барқарор ишларини таъминлаш, ҳозирда энг асосий, жиддий ётибор қартиш лозим бўлған масалалардан саналди. Қолаверса, оиласид тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташабbusлари кўллаб-куватланади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиш таъминлаш, нарх-наво барқарорлигига эриши, соғлиқни саклаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш, ишсизлик ва камбағаликни қисқартириш, агарар соҳага инвестициялар ва оператив молиявий ресурсларни кенг жалб қилишида пар-

тия ва унинг депутатлик гурӯхлари томонидан жамоатчилик назорати олиб борилади.

Айтиш жоизки, стратегияда белгиланган вазифалар ва партия сайловолди дастури ижросини таъминлашга каратилган “O'zLiDeP пресс клуби”, “Ишбилиармон аёл”, “Ёш сиёсатчилар клуби”, “Парламентда ёшпар ўрни”, “Ватандушлар” каби 100 та лойӣҳа ишлаб чиқилган. Ҳозирда мазкур лойӣҳалар жойларда кенг татбиқ этилмоқда.

Мажлисда мазкур вазифаларни ўз вақтида ва сифатли баъжарши бўйича айнек кўрсатмалар берилди. Мухокама қилинган масалалар юзасидан тегиши қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топганлигининг 20 йиллиги тадбирларини республика бўйлаб самарали ташкил қилиши борасида ҳам вазифалар белгилап олинган.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,

“XXI asr” мубири

Суратни Сардор АМИНЖКОНОВ олган.

БУ – МЕНИНГ ПАРТИЯМ!



СИНОВЛАР ОРТДА КОЛДИ

Раҳматулло КАМОЛОВ,
O'zLiDeP Фарғона вилоят
кенгаши раиси



Насиб этса, келаси ой O'zLiDeP сафига кирганимiga йигрма йил тўлади. Кечагидек сиёсма, дастлаб ёзарак ташкил этилишидан аввал ташкилий гурӯхга аъзо бўлдик. Кечао кундуз қаттиқ ишладик. Ниҳоят, партия тузилгач, менинг номзодимни вилоят кенгашига раҳбарликка тавсия этишиди. Очигини айтишим керак, бутунлай янги сиёсий кучни шакллантириш, аъзоларни тўплаш осон кечгани йўқ. Дастробаки йиллари шароит, маблағ йўқ, оғир пайтлар эди. Ҳали у, ҳали бу ёқса кўчиб, жойларда йиғилишларимизни ўтказиб, анча қийинчиликларни бошдан кечирдик. Биласиз, партияниң кучи аъзолари сонига боғлиқ. Аммо ҳали тадбиркор ва ферmerларнинг сиёсий онгги унчалик етариф эмасди ўшанди. Шу боис фидойи инсонларни ёнимизга олиб, соҳа вакилларига сиёсий тушунчаларни берib, аъзолар сонини кўпайтириш учун қаттиқ ишлашга тўғри келган.

Кўпчилик билади, мустақилликнинг ilk йилларида тадбиркорлик киламан, бизнесимни юритаман, деган юртдошларимиз жиддий тўсиқларга дуч келарди. Ишбилиармон, ферmer ёки хусусий мулк эгаларининг конуний манбаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлами кўллаб-куватлаш мушкул эди. Худу шундай даврда O'zLiDeP сиёсий майдонига дадил кириб келди ва айтиш мумкинки, жуда қисқа муддатда кенг жамоатчилик ҳамда сайловчилар ишончини қозониб, мамлакатдаги етакчи сиёсий кучга айланди. Ҳозир вилоятда

1 050 дан ортиқ БПТ ишлаб турибди, 80 мингдан зиёд аъзоларимиз бор. Булар биз учун катта куч, таянч вазифасини бажаряпти.

Ўтган йиллар орасида ўзим гувоҳ, бўлған воқеалар, ўзгаришлар худди кино лентасидек кўз олдимда бир-бир айланади. Айтиш мумкинки, йигрма йил ичida by partия босқичма-босқич шаклланди, ўз электорати вакиллари манбаатини, ҳак-хуқуқларни мунособ ҳимоя қила оладиган кучга айланди. Тасаввур қилинг, 20 йил кичик муддат эмас. Айниқса, инсон умрига қиёслаганда энг навқирон, файрат ва шижиотга тўлган дамлар бу!

Мен шундай шукухли, унутилмас сана арафасида кўп йиллардан бери давомида ёнимизда бир тану бир жон бўлиб хизмат қилаётган фидойи сафдошларимиз номини фаҳр билан тилга оламан. Аҳмадилло Тешабоев, Абдухосим Ҳайдаров, Фарҳод Турғунбоев (Оллоҳ, раҳмат қилинг), Ҳабибулло Ёрматов, Аббос Аҳмедов, Алишер Ғафуров, Офарин Абдураҳмонов, Ава兹бек Тешабоев... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Улар умрини, бор куч-ғайратини шу сиёсий кучга, унинг оёққа туриб, курдати юксалишига багишилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳар доим барча тадбирларимиз ҳамда катта сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб келаётган Фарғона давлат университетининг бир гурӯх профессор ўқитувчилари, етук мутахassislar, иқтисодчилар, сиёсатчиларга миннатдорлик изҳор этаман.

Ўйлайманки, партияниң бундан кейин ҳам янада жисплашади, ўзининг жараёндор номи, нуфузи билан ёртасида обўр-ётибор қозонаверади.

ҚУРИЛИШДА СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК МУҲИМ

Галдаги муҳокама учун мазкур мавзунинг таълангани беҳиз эмас, албатт. Зоро, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 60-бандида худудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация сиёсати доирасида аҳолини арzon уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш мухим максадлардан бирি эканлиги белгиланган. Бу борада олиб борилётган амалий ишлар ва келгусидаги режалар мавфафияти эса қурилишда сифат ва хавфсизликни таъминлашга ҳар томонлами боғлиқ.

“O'zLiDeP PRESS KLUBI”нинг кизигин сессиясида алоҳида таъкиданланганидек, юртимизда қурилиш ишлари ҳажми 2016 йилга нисбатан деярни 4,5 баробарга кўпайиб, 2022 йил якуни бўйича 130 трлн. сўмдан ошган. Шу йилнинг январь-август ойларида эса 93,3 трлн. сўмниг қурилиш ишлари бажарилган. Яна бир ётиборли маълумот шуки, 2023 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқарни инфраструктурасида ривохлантириш дастури доирасида қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъ-

ларда 55 321 маротаба назорат ишлари амалга оширилган. Ҳудудий қурилиш назорати инспекциялари томонидан 51 912 та ёзма курсатма берилди, шулардан 35 992 тасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилган.

Қурилишда аниқланган конун-бузарликлар натижасида 4 918 нафар (хусусан, 1215 нафар пурдатчи, 3105 нафар буюртмачи ва 598 нафар лойихачи) мансабдор шахсларга нисбатан маъмурӣ чоралар кўлланилган. 1 257 та объектда қурилиш-монтаж ишлари тухтатилилган. 395 тасини бузишилар олиб борилган.

Таҳжиллар шуни кўрсатмоқда, қурилиш ишлари ҳажмининг ошиб борибарида сифати объектларни барпо этиш, қурилган биноларда хавфсизлини таъминлаш тобора



милаш учун 11,3 трлн. сўм маблағ ажратилган.

Жорий йилда жами 90 923 та хонадонли 2 012 та қуриладиган уйларнинг мансабди рўйхати шакллантирилган. Жумладан, 38 та “Янги Ўзбекистон” массивларида 30 639 та хонадондан иборат 837 та, табалюқори бўлган худудларда 60 284 та хонадонли 1 175 та ўй бунёд этиш режалаштирилган.

Иштирокчи-мутахассисларнинг маълум килишича, бугунги кунга қадар “Янги Ўзбекистон” массивлари сонини 100 тага етказиш, аҳоли зич бўлган худудларда “бўйига ўстириш” таомилли асосида кўп қаватли турархойлар барпо этиш вазифалари ҳам ўрин олган. Шунингдек, қурилиш хавфсизлиги меъбларда топширилган.

Жорий йил давомида 32 146 та қурилиш объекти рўйхатдан ўтган бўлиб,

долзарб масала бўлиб бормоқда.

“O'zLiDeP PRESS KLUBI” давомида кун тартибидаги масала юзасидан вазирлик ва идоралар вакилари, олимлар ва депутатлар сўзга чиқиб, ўзларининг турли фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир якунча O'zLiDeP-дан сайланган депутатлар, партия фаоллари билан биргаликда қурилишдаги сифат ва хавфсизликни таъминлаш, аҳоли учун арzon уй-жойлар қуриши таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошишга келишиб олишиди.

O'zLiDeP матбуот хизмати Суратни Сардор АМИНЖКОНОВ олган.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ФРАКЦИЯЛАРГА КЕНГ ЙҮЛ ОЧАДИ

Оммавий ахборот воситаларида аввал хабар берилганидек, 2023 йил 7 октябрь куни Түркия Республикаси Президенти Режеп Тайип Эрдоған Ўзбекистон Республикаси делегациясини қабул қилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчиллик пала-

ражага кўтарилишида сиёсий партиялар ўртасидаги дўстона муносоларнинг ҳам ҳисса бор.

Маълумки, Түркия адолат ва ривожланиш партияси (АРП "AK Parti") 2001 йилда Режеп Тайип Эрдоған етакчилигида ташкил этилган. Ана шу партияning тақлифига кўра, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаси Ихроја кўмитаси раиси Акташ Хайтов 2023 йил 6–8 октябрь кунлари Анкара шаҳрида бўлди. Қатор музокараларда Түркия адолат ва ривожланиш партиясининг IV қурултойида иштирок этди.

Анжуманда АРП "AK Parti" аъзолари-

рали кечди. Партия фаолларидан иборат делегациянинг Чин юртидаги учрашувларига қизиқиши кучи бўлди. 2023 йилнинг 11–15 сентябрь кунлари бўлиб ўтган муносоларнинг тақлифига кўра, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаси Ихроја кўмитаси раиси Акташ Хайтов 2023 йил 6–8 октябрь кунлари Анкара шаҳрида бўлди. Қатор музокараларда Түркия адолат ва ривожланиш партиясининг IV қурултойида иштирок этди.

Сафар доирасидаги мухим воеалардан бирни Хитой коммунистик партияси Марказий кўмитаси аъзоси, Ҷинхай провинсиyasи партия кўмитаси котиби Чэн Ган билан учрашув бўлди. Унда XXR Раиси Си Цзиньпининг ташаббусларини мамлакатни ҳудудларида амалга ошириш доирасида фаол кўлланётган "Хитойнинг тараққиёт тажрибаси" атрофлича мухоммади килинди.

Кун тартиби аниқ белгилаб олинган сафар дастурiga кўра, делегация аъзолари "Хитой модернизацияси" жамият ва табиат уйғунлиги" мавзусидаги партияларо ҳалқаро конференцияда бевосита иштирок этишиди. Унда атроф-мухитни мухофаза қилиш соҳасида амалга оширилётган лойиҳаларга алоҳида эътибор қартилади.

Умуман олганда, O'zLiDeP вакилларининг Хитой Ҳалқ Республикаси ушбу сафари ҳар жиҳатдан самарали, амалий ва дўстона мухит-



аниқ тавсияларга мухтож. Бундан ташқари, O'zLiDeP вакилларининг фикрича, иккимин кинирозига тоза ва самарали энергияни рагбатлантириш мақсадида жаҳон иқтисодиётини исплоҳ қилиш имконияти сифатида қараш жуда мухим.



тасининг Спикери Нурдинжон Исмоилов ва парламент кўйи палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари, партия Сиёсий Кенгаси Ихроја кўмитаси раиси Акташ Хайтов қатнашиди.

Учрашув давомида Түркия Республикаси Президенти Ўзбекистонда Президент сайлови муваффақиятли ўтказилган ҳамда одинда амалга оширилган лозим бўлган катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди. Шунингдек, 3 ноёнбъор куни Остона шаҳрида ўтказилиши кутилаётган Туркия давлатлар ташкилотининг навбатдаги савитти доирасида Ўзбекистон раҳбари билан муносолот килишини, бундан бўён ҳам Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканини маннуният билан билди.

Ўзбекистон парламенти делегацияси аъзолари Анкара шаҳрида янги бир қатор учрашувлар ҳам ўтказди. Ҳусусан, Түркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси раиси Нуман Куртулмуш билан муносолот жуда самимиy кечди.

Н. Куртулмуш Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида янги Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилётган кенг кўллами ислоҳатларининг натижадорлигини юксак баҳолади. Янгиланган Конституцияда улкан мақсадлар белгиланган, давлат бошқарув тизими ҳалқинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя килишга қаратилгани таҳсинаға сазовор эканини таъкидлadi. Ўзбекистонда охирги йилларда диний-маърифий ҳамда маданий соҳаларда олиб борилган ислоҳатларни, мамлакатнинг ислом дини ривожига кўшаётган хиссасини эътироф этди. Фан, таълим ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида сўз борар экан, Н. Куртулмуш Ўзбекистон Президенти томондан Түркия Республикаси Девонининг "Ҳалқ кутубхонаси"га тұхфа қилинган кимматли асарлар учун миннатдорлик билди.

O'zLiDeP ЕТАКЧИСИННИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон ва Түркия ўртасидаги муносабатлар кўйи лийлик тарихга эга. Бунда иккиси мамлакат ҳалқларининг тили ва маданияти ўзаро яқинлиги, қадринг таъланалари ўхшаш ёки уйғунлиги мухим аҳамият касб этимоқда. Қардosh давлатлар ҳамкорлиги стратегик да-

дан 2,5 мингдан зиёди, шунингдек, Германия, Буюк Британия, Босния ва Герцеговина, Хитой, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлардан 300дан ортиқ хорижий меҳмонлар, Түркияда аккредитациядан ўтган чёт эл дипломатик корпуси ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари бевосита қатнашиди.

"Түркия асри" фоёзда остида бўлиб ўтган тадбирнинг асосий воқеаси Режеп Тайип Эрдоғанинг Түркия адолат ва ривожланиш партиясининг раиси лавозимига мамлакатнинг барча ҳудудларида келган делегатларнинг мутлак кўпчилиги овози билан қайта сайланган бўлди.

Курултой доирасида O'zLiDeP етакчиси Акташ Хайтов қатор сиёсатчилар билан ҳам учрашди. Жумлапдан, Түркия "Адолат ва таракқиёт" партияси раиси ўринбосари, партиянинг Ҳалқаро алоқалар кўмитаси раиси, Инстанбул депутати Зафёр Сирака билан муносолотда ўйлга кўйилган ҳамкорликни янада куйтириш масалалари кўриб чиқилиди.

O'zLiDeP лидери учрашув давомида Түркия Ўзбекистоннинг анъанавий ва мухим тавсияларни ҳамкорларидан бирни эканини алоҳида таъкидлadi. Ҳамкорликнинг ҳозирги холатини юқори баҳолади. Бунга иккиси мамлакат раҳбарларининг самимий дўстлиги ва сиёсий иродаси туфайли эришилаётганини қайд этди.

АРП "AK Parti" вакиллари O'zLiDeP делегациясининг анъанавий ва мухим тавсияларни ҳамкорларидан бирни эканини алоҳида таъкидлadi. Уларнинг фикрича, Түркиядаги ҳуқмон партия таддбирида Ўзбекистондаги етакчи сиёсий куч раҳбариятининг ҳозир бўлиши стратегик ҳамкорлик муносабатларининг янада ривожланаётганидан далаётadir.

Түркиядаги учрашувлар доирасида амалдаги ҳамкорликни янада мустақамлаш максадида кўшима ҳойиҳалар, хусусан, иқтисодий дастурларни амалга ошириш, ҳудудларро тўғридан-тўғри ишбилармоплик алоқаларни ўйлга кўйиш бўйича партияларо алоқаларни кенгайтишига келишиб олинди.

ЧИН ЮРТИДА САМИМИЙ МУНОСАБАТЛАР

O'zLiDeP делегациясининг Хитой Ҳалқ Республикаси (ХХР)га сафари ҳам са-

да бўлиб ўтгани билан ёдда қолди. Жаҳондаги нуғузли партиялар билан ҳалқаро алоқаларни янада ривожлантириши мақсад қилган сафодшларимиз учун ушбу сафар Хитой коммунистик партиясининг турли соҳалардаги ютуқлари сабабларини жойида ўрганишида мухим аҳамиятга эга бўлди.

ICAPP АНЖУМАНИДА УМИДБАХШ ТАШАББУСЛАР

Осиё сиёсий партиялари ҳалқаро конференцияси (ICAPP) қитъамиза фаолият кўрсатадиган 370 дан ортиқ сиёсий кучни бирлаштирган, миңтақавий ва глобал долзарлар масалалар мухомма қилинадиган, фикр ва тажриба алмашладиган нуғузли платформадир. Сўнгиги йилларда O'zLiDeP ҳам мазкур тузилиши билан ҳалқаро ҳамкорликда сезиларни даражада фаоллашиди.

ICAPP Доимий кўмитасининг 36-йифи-

лишида микро, кичик ва ўрта корхоналарда COVID-19 оқибатидаги юзага келган иқтисодий инқиrozдан сўнг иқтисодиётни тиклашга кўймаклаши мақсадида ICAPPning шўъба органи сифатида Ишбилармоплик ҳенгасини ташкил этиш тўғрисида келишишга эришилган эди. Ушбу фоёзда ошириш доирасида яқинда Жанубий Кореяning Пусан шаҳрида "Иқим инициози даврида Осиё бизнеси имкониятлари ва муммомлори" мавзусида анхуман бўлиб ўтди. Унда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаси Ихроја кўмитаси раис ўринбосари Сардор Ғиёсов, партия фаолиши ва таддibi Ифтихор Зиёев иштирок этди.

Ишбилармоплик ҳенгаси йиғилиши учун танланган мавзу партиянига ҳам даҳлор экани мухим. Зоро, дунё мамлакатлари барқарор турвонларни иштиқболини белгиловчи

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси "ишил иқтисодиёт"га ўтиш стратегиясини амалга ошириш орқали энергия ва ресурсларни сингимизни камайтириш, ишлаб чиқаришга иқтисодий технологияларни кенг жорий этиш, қайта тилкандиган технологиялардан фойдаланиш ва атом энергетикасини ривожлантириш тарафдори.

Мухоммада чоғида O'zLiDeP вакиллари қатор ҳалқаро ташаббусларни илгари сурди. Бу, айниска, кичик ва ўрта бизнесда водород энергетикини инфратузилмасини барпо этиш механизми таъкидлadi. Ўзбекистондаги етакчи ҳақида маълумотларнинг етакчи ҳақида маълумотларни билан оладиган маслаҳат органини тузишга эътиёж мавжуд. Шунингдек, O'zLiDeP Ишбилармоплик ҳенгаси ҳузурда турли форумларни кўргазмалар ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқшиша ташаббуси билан чиқди.



Шу маънода O'zLiDeP Сиёсий Кенгаси аъзоси, "XXI asr" сиёсий-ижтимоий газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Норқобил Жалилов Тоҷикистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва муҳтор элчisi Абдулжаббор Раҳмонзоданинг яқиндан кўрсатган кўмаги билан бир гурӯҳ журналистлар сафида 5–8 октябрь кунлари мазкур давлатда ижодий сафарда бўлди. Таъкидлар керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тоҷикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг хайрли сайй-харакатлари ва ташабbuslari шароғати билан кўргазмалар ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқшиша ташаббуси билан чиқди.

Айтиш жоизи, иккиси давлат ўтасидаги ҳам ижодий ҳамкорлигини янада кучайтириш йўлида мухим омил бўлиб хизмат қилимоқда. Яна бир мухим жиҳати, Тоҷикистоннинг сун-энергетика ресурслари жумладан, жаҳонда йирик "Нурек" ва "Роғун" ГЭСлари фаолияти, колаверса, миңтақамизга таалуқларни бартараф этишида иккиси давлат томонидан кўрилаётган амалий чора-таддibirлар кенг жамоатчиликни қизиқтириши табиий. Шу муносабат билан ўзбекистонлик ОАВ вакилларининг Тоҷикистон Республикаси Энергетика ва сув захиралари вазирилги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар вакиллари билан ўтказган муносолотлари самарали кечди.

Эслатиб ўтамиш: ушбу ижодий сафар таассуротлари билан боғлиқ туркum мақолалар газетамизнинг кейнги сонларида чоп этилади.

Озод РАЖАБОВ тайёрлади.





ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ҲАР КИМ ҲАМ ҚОЗОНОЛМАЙДИ

Мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч – O'zLiDeRning ташкил топганига яқинда йигирма йил тўлади. Ўтган вақт давомида партияниң ўзига хос иш усули, анъаналари шаклланиб улгурди, жуда катта сиёсий тажриба тўпланди. Фидойилик, одамлар дардига дармон бўлишига интилиш, қолаверса, партияни ташкил этишида бош-қош бўлган устозлар анъаналарини давом эттириши, айтиши мумкинки, ўзбекистонлик либерал-демократларга хос фазилатлар, десак янглишишмаймиз.

Ушбу сиёсий кучнинг босиб ўтган йўлига назарсолар эканмиз, унинг халқ ишончини қозониб, бунгунда мақвек ва обргула эришишида депутатларнинг ҳам алоҳидаги ўрни борлигига гувоҳ бўламиш. Тўғри, халқ вакиллари фаолияти ҳақида сўз кетса, ҳаммадан ҳам илик гаплар эшиштавермаймиз. Чунки демократик таомиллар устувор бўлиб бораётган жамиятда бундай муносабат билдирилиши табиий ҳол. Лекин, очигини айтганда, халқ ноибларининг жойларда олиб бораётган фаолиятидан баҳобар ёки бевосита депутат кўмаги билан оғирни ёнгил бўлган кишилар борки, улар ёзлари сайлаган номзод номини доимо миннатдорлик билан тилга олишади.

Яна бир жиҳати, маҳаллий кенгашларда O'zLiDeR депутатлари гурухи аъзоларининг сони сайловдан сайловга факат ошиб бораётгани уларнинг эл ишончини қозонаётганини кўрсатади.

Мисол учун, маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган дастлабки сайловларда Жиззах вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига партияни издан жами 72 нафар депутат сайланган эди. Айни пайтда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида жами 142 нафар O'zLiDeR депутатлари гурухи аъзолари фаолияти олиб бормоқда. Уларнинг 26 нафари халқ депутатлари вилоят кенгаши дебутати хисобланади.

Демак, қаердаки, халқ ноиблари сайловчilar ишончини оиласа, том маънода элим, юртим деб ёниб яшаса, ўша худудда маслакдош депутатларимиз сони кейинги сайловлarda кўпроқ овоз олаётгани ҳам бор гап.

Бу борада Халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгashi депутати депутатлар гурухи аъзолари фаолияти фикримиз исботиди.

– Айни пайтда бизнинг маҳаллий кенгашимизни бўлаш ҳудудларга соилиширадиган бўлсак, энг кўп, яъни 15 нафар маслакдош депутатларимиз фаолияти юритаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Нафакат сон, балки сифат жиҳатдан ҳам улар фаолиятини ижобий баҳолашимиз мумкин. Шунинг учун ҳам фидойи халиқларидан десак арзийдиган Шарофат Нориева, Акмат Аҳмедов, Нигора Аскарова, Меликўзи Омонликов ва бошқа фарол депутатларимиз номини туманини аҳоли беҳад ҳурмат билан тилга олади, – дедай мазкур туман партия кенгashi аппарат раҳбари Фанишер Авлоев.

Тумандаги машҳур сулола вакилларидан бири Наханбоевларнинг



СУРАТДА: Халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгashi депутати Зафар Наханбоев (ўнгда) маслакдош – туман партия кенгashi аппарат раҳбари Фанишер Авлоев билан мuloқotda.

оширилаётган ободончилик, бунёдкорлик ишларига партияни издан сайланган бу жонкуря депутат бosh-кош бўлаётганини кўпчиликдан эшишиб, туғриси, хурсанд бўлди.

Ўзгаришларни санайдиган бўлсак, улар ҳар қандай кишини кувонтиргулик. Кўрласойда 8 километр, Тинчлик маҳалласида 12 километр, Равот маҳалласида 1 километр йўлларга шағар тўкилди. Одамлар қишида тиззат бўйи лой, ёзда тупроқ кечиб юриши азобидан қутулишид. Увоб қишлоғига кўпприк таъмирланди. Барча қишлоқларни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида километрлаб янги кабеллар тортилди, симёғочлар алмаштирилди. Бугун Жиззах шаҳридан Зомин томонларга ўйли тушган ҳар қандай ўйловчи умумий Равот деб юртиливчи қишлоқ йўлларидан ўтса, атрофига гул ва ниҳоллар экилган, текис кўчаларни кўриб кўзи кувнайди. Бир нечта мактаб ва тиббиёт масканлари таъмирланди. Бу каби хайрли ишлар аҳолини якка тартибида ҳамда оиласи аввалий тадбиркорликка жалб қилишга имкон яратмоқда.

Биз санаб ўтётган бунёдкорликлар 230 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилаётган Шароф Рашидов туманида кечеётган улкан ислоҳотлардан бир қисмигина, холос. Ишонч билан айта оламизки, бундай сабобли ишларда Зафар Наханбоев каби маслақдош депутатларимизнинг бosh-кош бўлаётганин одамларни ўзига хос тарзда руҳлантироқда.

Гарчи унинг ўзи истихола қилиб айтмаган бўлса-да, ана шу қишлоқларда сўнгги йиллarda ахолiga тибий хизмат кўрсатиш, таъмин соҳалари билан бир қаторда, электр энергияси, табиий газ, тоза ичимлик суви таъминотни яхшилашга алоҳида ўзиб ўзига хос тарзда руҳлантироқда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухобири.
Жиззах вилояти

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ ҚИЛМАСДАН УЛАРНИНГ КОРИГА ЯРАБ БЎЛМАЙДИ

Депутат, аввало,
халқ вакили, унинг зим-
масида сайловчилар
ишончни қозониши,
ғаму ташвишларидан
хабардор бўлиши, корига
ярашдек катта масъу-
лият туради.



Абдуазиз АБДУРАЗЗОҚОВ,
Халқ депутатлари Шайхонтохур
туман кенгashi депутати,
O'zLiDeP аъзоси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастурида “партия мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни бош мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-киммати, ор-номуси, эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилганини алоҳида ётироф этади” деб белгилаб кўйилган. Бу эса мазкур сиёсий кучнинг ҳар бир фаоли, ундан сайланган ҳар бир халқ вакилининг асосий мақсади ва фаолияти инсон баҳти камолоти ва фароновинги таъминлашга хисса кўшиш, бу йўлдagi муммаларни ўз вақтида бартараф этишдан иборат эканини кўрсатади. Зеро, давлатимиз раҳбарлигига олиб боридаётган изчил ислоҳотлар, янги ўзбекистонни ярашдаги асосий мақсад ҳам шу – инсон баҳти хамма нарсадан устунилига эришиш!

Шу боси ўзим сайланган Шайхонтохур тумани Кохота маҳалласида дам-бадам сайловчилар билан дилдан мuloқot қиласман. Уларни беозовта қўлаётган муммаларни эшитаман, бартараф этиш учун масалани жойига чиқиб ўрганаман. Чунки кишиларни тингламасдан туриб, корига яраб бўлмайди. Тингланинг ўзи муммонинг ярми ечим топди дегани.

Ана шундай учрашувларимдан бирда маҳалладаги Аэроплан кўясидаги оқова сув кувури йўклиги айтилди. Ушбу муммони маҳалла раиси Дилфуз Муҳамеджонова билан биргалиқда ўргандик. Жарайёнда гувоҳ бўлдикки, халқ бекиз этироф

мурожаатимга ўз вақтида эътибор қаратиши. Собайи кўчаси тўлиқ таъмирланиб, мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириди. Равон йўллардан юриб, шаҳар марказидаги байрам тадбирларини томоша килиш учун кетаётган фуқароларимизнинг кайфијати баландлигини кўриб, бизнинг ҳам баҳри дилимиз очигларни рост. Доимигдек ушбу хайрли ишда маҳалла раиси Дилфуз Муҳамеджонова ҳаммаслик ва кўмакдош бўлди.

Аҳоли билан яна бир юзма-юз мuloқotimda маълум бўлдик, туманинни Олим Хўжаев маҳалласида истикомат қиливчи Қозиевлар оиласи ижтимоий химояга мухтоҳ экан. Кўп умалот ушбу оила фарзанди Нурислом кориг түфта етишмовчилиги ташхиси билан дунёга келган. Кетма-кет уч бора ўтказилган жарроҳлик амалиётидан кейин хўшсизлик ҳолатига тушиб қолган. Шунинг оқибатидаги 6 йилдан берি ўзи ҳарқатлана олмайди, парвариши, давлатиши учун ёрдам ололмай, сарсон бўлиб юрган. Чунки Қашқадарёдаги тегиси мутасаддиқ органларга бу борада ариза билан мурожаат этишса, Тошкентга келса, яшаш жойиниз Қашқадарё вилояти-ку, деб у ёққа юборишар экан.

Нурисломнинг соғлигини тиклаш мақсадида



билирмagan. Кўчанинг санитар-гигиеник ҳолати кўнгилдагидек эмас. Ноҳуш ҳидлар ҳашарот ва зараркунданларнинг бу атрофда кўпайлишига сабаб бўлган. Сайловчилар айтилганда ҳозирлинида янада ёмонлашиб, аҳоли, айниқса, болаларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

Сайловолди дастурида берган ваъдаларимни амалга ошириш ҳамда ушбу муаммона бартараф этиши мақсадида зудлик билан мутахассисларга боғландид. Салт ўтмай ушбу кўчага оқова сув кувури ўрнатни ишлари бошлаб юборида. Тез фурсадат 150 метрли оқова сув тармоғи ўрнатилиб, 18 та хонадонга улап берилди.

Бу ишлар якунлангач, йўлларни таъмирланадиганда ахоли ишларни амалга ошириш ҳамда ушбу муаммона бартараф этиши мақсадида зудлик билан мутахассисларга боғландид. Салт ўтмай ушбу кўчага оқова сув кувури ўрнатни ишлари бошлаб юборида. Тез фурсадат 150 метрли оқова сув тармоғи ўрнатилиб, 18 та хонадонга улап берилди.

Дамлар орасида бўлган ва уларнинг корига яраган сари бундан-да масъулиятни юмуш ва бундан баҳтиёр кун йўклигини янада чукур англайларни ташкил этиши бўлими кўмага ва ҳомийлигим остида аравача тақдим этдик.

Дамлар орасида бўлган ва уларнинг корига яраган сари бундан-да масъулиятни юмуш ва бундан баҳтиёр кун йўклигини янада чукур англайларни ташкил этиши бўлими кўмага ва ҳомийлигим остида аравача тақдим этдик.

Дамлар орасида бўлган ва уларнинг корига яраган сари бундан-да масъулиятни юмуш ва бундан баҳтиёр кун йўклигини янада чукур англайларни ташкил этиши бўлими кўмага ва ҳомийлигим остида аравача тақдим этдик.

ЯНГИ ҚАРОР МОҲИЯТИ

АМАЛЛАР НИЯТГА БОГЛИКДИР



МАМЛАКАТИМИЗДА ФУҚАРОЛАР-НИНГ ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ЭЪТИҚОДГА ОИД КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҶУҚЛARI ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҲАР ТОМОНЛАМА ТАЪМИНЛАНIB, ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА. АЙНИҚСА, УМРА ЗИЁРАТИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЙАРАТИЛМОҚДА.

Бу борада зарур ҳуқуқий асосларнинг яратилгани ва тақомиллаштирилаётгани нафқат зиёратчилар, балки шу соҳада фаолият юритаётган хусусий сектор вакиллари учун ҳам айни муддо бўлаётир. Вазирлар Мажкамасининг 2023 йил 8 авгуустаги "Умра" тадбирларини ташкил этиши ва ўтказиша зиёратчиларнинг мафтаатларини самарали ҳимоя қилиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ислоҳотларни янада юкори босқичага кўтари.

Қарорнинг мазмун-моҳияти, бугунги кундаги аҳамият ҳақида "Танвир" сайёхлик агентлиги компанияси директори Шавкатжон Қобилхўжаев билан сұхбатлашди.

— Майдумки, мамлакатимизда диний барқарорлик ва эркинлик ҳукм суръти. Мустақиллик тарихимизни, ўзлигинизни, динимизни, қадирятларимизни ўзимизга қайтарди. Айниқса, бугун ота-боболаримиз бир умр орзу қўлган мұқаддас Каъбъы Муаззамага юртдошлирмизнинг қадами етиб, тавоғ қўллаётгандиллар кувонарли ҳол, албатта.

Фуқароларимизни Умра зиёратига юбориш мақсадида жуда кўллаёт туроператорлар, турли хил сайёхлик компаниялари фаолият олиб боришаётгани юртимизда тадбиркорлик учун қўнглиларни кўрсатади. Аммо бъози хусусий секторлар томонидан "Умра" тадбирларини ташкил этиши ва амалга оширишини аниқ ҳуқуқий механизмлари яратимагани зиёратчилар ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш имконини бермаяти.

Бу эса ҳамюрларимизнинг чет элда сарсон бўлишига, фирибаглар ва зиёратга ноконуний йўллар билан юборувчи "воситачилар"га алдануб қолишига, етарли малакага ёга бўлмаган шахсларнинг гурух раҳбари (эллиқбоши) сифатида жалб қўлинишни оқубатидан амалларнинг мұккаммал адо этилмаслигига ҳамда турли деструктив кўчлар таъсири остига тушиб қолишига сабаб бўлаётган эди.

Алоҳида эътироф этиши жоики, Вазирлар Мажкамасининг мазкур қарори шу каби мұаммоларнинг бартароф этиш, ҳамюрларимизнинг Умра зиёратини тўла-тўқис, мұккаммал адо этишлари мақсадида қабул қилингани билан диккатга сазовордир. Шунингдек, ушбу ҳуҗжат зиёратчилар амалларини мұносиб ва хавфсиз бажарishлари учун мұносиб шарт-шароитлар яратиш, хорижда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний мағфаатларини ҳимоя қилиш ва қафолатланган ҳизматлардан фойдаланишини таъминлашни ҳам кафолатлади.

2023 йил 1 ноңбрдан кучга кирадиган бу ҳуҗжат бизнинг каби сайёхлик компаниялариниң фаолиятида жуда мұхим роль ўйнайди. Унга кўра, фуқароларга "Умра" тадбирларини ташкил этиши ва ўтказиша оид ҳизматларни кўрсантиш факат маҳаллий туроператор томонидан амалга оширилади.

— Қарорга биноан туроператорлар учун "Умра" ҳизматларини кўрсатиш фаолияти бўйича кўшимча лицензия талаблари ва шартлари жорий этилмоқда. Бунга мұноса-батиниз қандай?

— Дарҳақиқат, ҳукумат қарорига кўра фуқароларга "Умра" тадбирларини ташкил этиши ва ўтказиша оид ҳизматларни, яъни қисқа қилиб айтганда, "Умра" ҳизматларни

ФАОЛИЯТ ЭСА СИФАТГА дейди "TANWIR" САЙЁХЛИК АГЕНТЛИГИ КОМПАНИЯСИ ДИРЕКТОРИ ШАВКАТЖОН ҚОБИЛХЎЖАЕВ



рича бажаришга мажбур бўлишган ва ҳоказо...
Айтинг-чи, янги ҳужжатда бу муаммолар юзага келмаслиги учун нималарга эътибор қаратилипти?

— Жудаим тўғри айтдингиз. Аслида фуқароларимиз зиёратга



т о м о н и -
дан очиқ овоз бериш, уш-
буш ташкиллар ҳизматларидан аввал
фойдаланган фуқаролар (сайёхлар) билан ўрнатил-
ган кайта олоқа (жумладан, ижтимоӣ тармоқлар орқали)
натахжаларига кўра аниқланиди. Кўрсаткич эса ўз-ӯзи-
дан келгусида фуқароларнинг Умра зиёрати учун қайси
фирмани ташлашларида аскотади. Бундан биз хавотира гра-
тумаймиз, аксинча қувондик. Чунки фаолиятимизни, ҳу-
сусан, "Умра" ҳизматларимизни Саудия Арабистони Под-
шохлигидаги ҳамкор ташкиллар билан шартномага мувофиқ
амалга оширилиши даркор.

Очиқ айтадиган бўлсак, кўпгина турфирмалар Хавфисиз туризм жамғарасига 100 мин. доллар захира қўйиш талабидан норози булиши мүмкун. Биз буни жуда ўрнини талаб деб қабул қилимаси. Эътибор берайлик, ўзи захира нима учун ҳизматлиги? Масалан, туркомпаниядан 50 нафар шахсни Умра амалларни бажарига юбориш сарф-ҳаражатлари учун ҳар бир одамдан ўртacha 2 000 доллардан дархамат ҳақи оладиган бўлсак, жами 100 000 доллар бўлади. Агар зиёратчилар учун у ерда мұносиб шароит яратиш берилмаса, масалан, меҳмонхона, транспорт ҳизмати, авиасичта каби, умуман, иккى томонлами шартномадаги шартлар бажарилмаса, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, туризм жамғарасидан қопланадиган берилши керак! Депозит маблаглар айнан Умра зиёрати ҳизматлари сифатидан кўрсатилишидан жабр қўрган зиёратчиларга етказилган моддий ва маънавий зарар ўрнини қоплаш учун суд қарорига мувофиқ фойдаланадиган.

— Бот-бот қулогимизга чалинади, Умра зиёратини ташкил қўлган фирма зиёратчиларга гурух раҳбари тайналмаган, бунинг натижасида улар амалларини ўз билгланадиган

— Туроператорлар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизими жорий этилаётгани хавотирга солмайдими?

— Бу жуда ўрнини янгилик. Чунки бугунги рақобат ва тезкор ахборот майдонида шундоқ ҳам ҳар бир компания ўз ҳизматлари сифатига жиддий эътибор бериси жоиз. Акс ҳолда, унинг фаолияти узоқка бормайди. Чунки бизнесда мижоз бир марта воз кечади ва қайтиб келмайди. Эл корига ярши ва доимий ўшини ўз максади деб билган жамоа сифатини биринча ўринга кўяди.

Баҳолаш тизимидан кўзланган асосий мақсад эса айнан жамоатчилик, назоратни кучайтиришдир. Эндиликда душубу ҳизматларни кўрсатувчи туроператорлар рейтингини шакллантириш учун тегиши ахборот модули ишга туширилади.

Рейтингдаги туроператорларнинг ўрни жа-
моатчилик

моатчилик

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

БИЗНЕСГА ОИД ҚАЙСИ ФИКР ХАТО?

Партияниң депутати Қасимов ва тадбиркор Ниязимбетов шу саволга атрофлича жавоб бериши

О'зLiDeP Қорақалпогистон Республикаси
Кенгаши сиёсий таълим
ва депутатлик гуруҳлари
билим ишилди бўлами
томонидан ташкил
этилган наебатдаги
тадбир Бердақ номидаги
Қорақалпок давлат уни-
верситетида ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ҳалқ депутатлари Шерзод Мирзакимов ва ёш тадбиркор, "Biogumus" фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Ниязимбетов универсиитет талабаларига ўз тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда бизнес юритишнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида маълумот бердиши.

— Тадбиркор бўлишингиз учун сизда камида иккى сифат бўлиши шарт, — деди Шерзод. — Биринчиси — таваккалчиликдан чўчимаслик! Иккичиниси — сабр-тоқат! Бошқача айт-



ганди, сувга тушмасангиз, ҳеч қаён дарёни кечиб ута олмайсиз. Сувга са-красам, қўшиб кетмайманни, сузишга кучим етадими, деб соҳилда турганингиз билан ўзингизни ўйлантираёт-



ган жумбокнинг охирига умуман етадомайсиз. Агар сизда саволга аниқ жавоб топиш фиқри қатъий бўлса — қарор қабул қилишда ўша қатъиятни кўрсатинг! Шартта сувга сакранг!

Ёш тадбиркор жонли мулокот давомида талабаларга шахсий таҳрибаси мисолидан яна жуда кўп фойдади мальмутларни айтиб ўтди.

Ниязимбетовнинг мулозазала-

латга, одатда яқинларнинг "Бу сенинг қўлининг дархаланади, бошқа нарса ўйласанг бўларкан" кабилидаги ёндашуви сабаб бўлади. Бизнесда, аввало, рағбат, дўстларнинг кўзлаб-куватлаши, дастлабки қийинчиликларни енгил ўтишга кўмаклашиши муваффақият олими.

Халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши депутати Мирзакимов "Ўзбекистон – 2030" стратегиясидаги асосий ўйналишларни бирни — барқарор иктисодий ўсиш орқали аҳоли фаронволигини таъминлашади ёшларга атрофлича маълумотлар берди. Бундан ташкил, таълим кредити, хотин-қизлар учун имтиёзларни кредитлар, банк соҳасига оид янгиликлар олими.

Учрашув давомида фаол иштирок этган талабаларга эсдалик совфалари топширилди.

Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА,
О'зLiDeP Қорақалпогистон
Кенгаши сиёсий таълим
ва депутатлик гуруҳлар

билан ишлаш бўлими мудири

Козоқбой Йўлдош:

КОНУН БИРИНЧИ НАВБАТДА МАЖБУРИЯТ ЮКЛАШИ КЕРАК!

ОНА ТИЛИ ТЎҒРИСИДА ҚАЙФУРИШ ҲАР БИР ЗИЁЛИНИНГ БИР УМРЛИК ВАЗИФАСИДИР. ТАНИҚЛИ АДАБИ-ЕТШУНОС ОЛИМ ҚОЗОҚБОЙ ЙЎЛДОШ БУ ШАРАФЛИ БУРЧНИ СИДҚИДИЛДАН АДО ЭТИБ КЕЛАЁТТАН ВИЖДОНИ ЎЙГОҚ ЗИЁЛИЛАРДАН БИРИ, ДЕСАҚ ЯНГЛИШМАЙМИЗ. ОЛИМНИНГ “ТАФАККУР” ЖУРНАЛИ 2018 ЙИЛ 1-СОНИДА “ЎЗЛИК ҚЎРҒОНИ” МАҚОЛАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН. “...БУГУН ОТА ТИЛИМИЗНИНГ АҲВОЛИ ТАШВИШЛАНАРЛИ ДАРАЖАГА ТУШИБ ҚОЛГАН. АММО ҚЎНГИЛДА УМИД СҮНМАЙДИ. ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ ҲОЛАТИ ТУБДАН ЯХШИЛАНИШИГА ИШОНАМИЗ. ТАХРИРИЯТНИНГ “...ШОЯД ЎЗБЕК ТИЛИ ЮКСАҚ ҚАДР ТОПСА, МУНТАЗАМ АЛИФБОМИЗГА ЭГА БЎЛСАҚ, ИМЛОДА ҲАМ ЯҚДИЛЛИККА ЭРИШСАҚ”, ДЕГАН ОРЗУСИ БИЗНИ ҚАЛАМ ТУТИШГА УНДАДИ”, ДЕБ ЁЗАДИ МУАЛЛИФ. ҚУЙИДА ЎША МАҚОЛАДАН АЙРИМ ИҚТИБОСЛАРНИ ЭЪТИБОРНИГИЗГА ҲАВОЛА ЭТАМИЗ.



Глобаллашув нур тезлиги билан бораётган ҳозирги шароитда факат миллӣ тилгина муайян этиносинг ўзлигини сақлаб қолиши мумкин бўлган кўргон саналди. Чунки емак, киймак, турмуш кечирмак сингари жабҳалардаги ўзига хосли тобора йўқолиб, оммавий универсаллашув қарор топаётган шароитда муйян миллат руҳиятига хос кирралар факат тилдагина сақланниб қолади. Шунинг учун ҳам тилинг тозалиги, бойлиги ва аникилиги ўзимлигидан воситагина бўлиб қолмай, миллатнинг ўзлигини кафолатладиган омил ҳам хисобланади. Ушбу ҳолат миллӣ тилинг алифбоси мукаммал, грамматикаси пухта, ишлатишига қуай бўлишини тақозо этади.

Тахририятнинг “Давлат тили ҳақида”ги қонун қандай бажариятпли?” деган саволига икобий жавоб бериш мушкул. Бизнингча, қонуннинг яхши бажарилмаётганига бир қатор объектив ва субъектив сабаблар бор.

Биринчидан, давлат тили тўғрисидаги қонунимиз ўзи етарлича пухта исланмаган бўлиб, унда тавсиявийлик устувор. Аксар моддалар тавсия характеристика бўлиб, мажбурйлини кўзда тутилмаган. Қонун эса, биринчи навбатда, мажбуррият юклари керак.

Иккинчидан, мазкур қонунда ижро механизми кўзда тутилмаган. Зеро, ўзбек тилининг иккичи даражали бўлишига кўнинкан музаллифлар томонидан тайёрланган ва уларнинг назаридан, тилимизнинг давлат тили эканини юридик жиҳатдан қайд этишинг ўзигина етарли бўлган.

Учинчидан, кейинги йилларда инглиз тилини ўрганишига ётишиб кучайиб, кенг имкониятлар яратилди, давлат тили эса назардан четда қолди. Бу ҳол кўпчиликада яшаш учун ўзга тилини билиш мухим деган фикр уйғотди.

Тўртинчидан, таассуфки, ҳалқимида ҳануз миллӣ ғурур етарлича шаклланмади. Миллатдошларимиз кўпчилиги ўзига, бинобарин, тилига ҳам иккичи даражали деб қарашиб иллатидан қутула олгани йўқ. Ўтган йиллар орасида айримларда гастарбайтерлик кайфияти пайдо бўлди. Тирниклийк ўтказиш учун четга чиқиш, бунинг учун эса рус тилини билиш шарт деган тўхтам қарор топди. Шу боис ўрта мактабларда рус синфлари тобора кўпайб бормоқда.

Бешинчидан, жамиятнинг бошқарув қатламида ва миллат ойдинлари орасида чет тилларга маҳлий кузатилиди. Мутахассисни ишга олиш, лавозимга тайинлашада чет тилини билиши асосий кўрсаткич саналди. Ҳатто она тили ва адабиётни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Ўзбек тили ва адабиёти университетига олимларни ишга олишада ҳам уларнинг қандай мутахассис экани эмас, балки бирон бир чет тилини билиши етакчи кўрсаткич саналди. Шунингдек, кўпгина шахслар давлат тилини билмагани ҳолда юкори лавозимларда ишламоқда.

Олтинчидан, иш одамларимиз бозор иқтисодиги қондадарини яхши билмагани учун рекламага оларманни чорлайдиган востида деб эмас, балки анчайин бир ялтироқ ва жимжимадор безак сифатида қараёттир. Шу боис ўзбек ишбилармонлари рекламининг мизозни чорлашга хизмат қилишига эмас, бошқаларнига ўхшамаган тарзда тушунарсиз ва оҳанжамалироқ бўлишига дикқат қиладилар.

... ўзбек алифболарини, хусусан, лотин ёзувига асосланган алифбони ишлаб чиқишида йўл қўйилган хатолар илдизига чуқурроқ назар ташаш ва тегиши хулоса чиқариб олиши лозим. Негадир биз, ўзбеклар худди “Алномиш” достонидаги Бойсари сингари ўз якинларимиздан нарирок, турши, ўзгачарок кўринишни ёқтирамиз. Ҳеч қачон қонимиз қўшилмайдиган қавимлардан эса умумийликими, ўртокликим топишга интилизам. Шу одатимиз сабаб, гарчи барча туркий ҳалқлар тилига сингармонизм хослигини кўра-била туриб, қарийб бир аср ўзбек тилида товуш ўйғунашуву ҳодисаси йўқ, деб келдик. Деяри ҳамма қардошлар алифбосида тўқиз үнли товуш бўлгани ҳолда, ёлғиз ўзбек алифбосида унлилар олтига экани кўрсатилди. Шу тариқа тилимиз гўё рус тилига яқин тавқидланди. Қолаверса, барча туркий ҳалқларда “олма” сўзидағи биринчи товушнинг белгиси сифатида қабул қилинган “а” ҳарфига факат бизгина “анор” сўзининг биринчи товуши тарзида қаримиз. Бу борада ҳам туркий ҳалқлардан кўра русларга яқинлигимизни кўрсатмоқчи бўлганимиз.

Барча туркийлар “утин” сўзининг илк товушни сифатида қабул қилган “о” ҳарфни ёлғизигина биз, ўзбеклар “она” сўзидағи биринчи товушни ифодалашга хизмат қилдиганимиз. Агар бошка туркий ҳалқлар сингари бизда ҳам “о” ҳарфи “у” товушини ифодалаганда эди, адабиётшунос Зуҳриддин Исомиддинов айтган “электр токи”даги “ток” билан “төн занги”даги “ток” омоним бўлиб, ортиқча муаммо туғдирмасди. Шу қабилдаги “оригиналлигимиз” билан, ўз наздимизда, потин ёзувини қабул қилган турк, озар ва туркман қардошларга ўхшамаслики интилдик. Оқибатда, потин ёзувига ўтишдан асосий мудда бўлмиш умумтуркий ѹқинлашув мақсади назардан қочирилиб, кириллга қайтганимиз тузук дейдиган аҳволга келиб қолинди.

... ўзбек сўзлашув тили ғоят қашшоқлашиб, дағаллашиб бораёттир. Бу ҳол бизнинг маданий миллат деган номимизга ҳеч ярашадими?! Миллат ахли орасида сўзни танламай ишлатишни одати кенг ёйилди. Тилга ётишиборсизлик ҳатто оддий ҳолга айланди, дейиш мумкин. Чунки жамиядада интеллектуал-естетик савия пасайгани кузатимоқда. Китобхонликка давлат миқёсида ётишиб қаратилаётганига ҳам сабаб аслида шу. Миллатнинг каттадан кичиги қадар ўз асл сўзларимиз қолиб, ёт сўзларни пала-партиш кўйлаш касалига йўлиқкан. Негадир, “тушлик”, “бекат”, “чиқит”, “кўпrik” сингари ўзбек сўзлари ўрнига “абед”, “астановка”, “мусор”, “мост” сўзларини ишлатиш ялпи тус олди. Ҳатто адабий асарларда ҳам “бутилка”, “топчан”, “водка” каби сўзлар бемалол кўйлашади. Ёмони, бу кечим тўхтагани ҳам, пасайгани ҳам йўқ.

Имло қондадарига амал қилишда ўзбошимчалик ҳуқмронлиги ҳам ҳакиқат. Ва бунинг объектив сабаблари бор. Асли, имло қондадарини тубдан ислоҳ қилиш ва уни имкон қадар сўзлашув тилига яқинлаштириш – муйайн грамматик билимларни егалмай туриб ҳам хатосиз ёзиш мумкин бўлган ҳолатга келтириш жоиз. Тилимизнинг имло қондадари, ҳозирги ҳолида, бузмасликнинг иложи бўлмаган қонунлар кабидир. Чунки улар ўзбек тилининг табиатига

эмас, шу қондадарни яратган олимларнинг истагига мосластирилган.

Имло қондадарига ўзбек тилига эмас, ўзбек тили имло қондадарига бўйсундирлаётгани миллӣ тил тараққиётiga салбий таъсир кўрсатмоқда. Одатда тилнинг имло қондадарини тайин этишда кўпроқ фонетик тамоилиларга амал қилинади. Негаки, тил нутқида, сўзлашувда воқеълика айланаб, моддийлашади. Тилнинг стихияси нутқда намоён бўлади. Ҳазрат Навоий бекорга “Кўнгул ҳолати сўз дегач билгурур”, демаганлар. Агар сўзларнинг айтилиши билан ёзилишидаги айричалик энди даражага келтирилса, миллатнинг саводхонлиги тез юксалади.

Нимагадир биз оддийгина нарса-ходисаларни ҳам бошқа тилларга мансуб сўзлар билан ифодалашга ўчимиз. Шунинг учундирки, туркий ҳалқлар орасида факат биз ўзбеклардагина томонлар “Шарқ”, “Фарб”, “Шимол”, “Жануб” тарзида арабча, кўлланилади. Қардош туркийларнинг кўпчилигига булар “Чиқиш”, “Ботиш”, “Кунориши”, “Терскай” тарзида ишлатилади ва улар тарафлари адаштириб ҳам кўйишмайди. Албатта, бу ҳол бир замонлар боболаримизнинг бошқа туркийларда қараганда имлий тил бўлмиш арабчага, сарой тили саналмиш форсчага яқинроқ бўлгани, ҳалқнинг жўн, жайдари сўзлашув тилидан баландрок турганини билдиран. Лекин ҳозирга келиб бу ҳол фазилатдан камчиликка айланди. Биз эса ҳамон ўша баланд ҳаво билан юрибмиз. Натижада юзлаб ўз сўзларимиз ўрнига арабий, форсий сўзларни кўллаймиз. Масалан, “соҳиб”, “молик”, “кафт”, “лунж”, “даво”, “ҳамшира”, “таваллуд айёми”, “таширф буюорди” ва хоказо. Ҳолбуки, уларнинг “эга”, “олақон”, “урт”, “эт”, “эм”, “эмбека”, “түғиллар куни”, “келди” сингари соғ туркона муқобиллари борки, уларни ҳам ишлатиб туршишимиз лозим.

Янги имло қондадарида четдан кирган “...олинма сўзлар қандай айтилишидан қатъи назар аслидагидай ёзилиши керак”лиги белгилаб қўйилган. Қизиғи шундаки, дунёда ўзимиздан бошқа бирор миллат вакили “Тошкент” ёки “Ўзбекистон” сўзларини биз каби айтмайди ва ёзмайди. Шундай бағримиздаги қорақалпоқлар ҳам уларни “Ташкент”, “Ўзбекстан”, бавзан ҳатто “Вўзбекстан” тарзида айтади ва ёзади. Ҳар бир ҳалқ сўзларни ўзига мослаб айтади ва... тўғри ҳам қиласди. Биз-чи? Неча ўн йиллар давомида “Ашҳабод”, “Олмаота” шаклида ёзилиб келган шаҳар номларини энди негадир “Ашгабад”, “Алмати” тарзида ёза бошладик. Чунки имло қондаси шуни талаб қиласди. Нима учун ўзлашма сўз аслидагидай ёзилиши керак? Аслидагидай ёзилса, унинг ўзлашганилиги қаерда қолди? Унча-мунча мутахассиснинг ҳам тиши ўтавермайдиган хитой, ҳинд, япон, корейс, арман графикасида битилган сўзларнинг аслида қандай ёзилганини қандай биламизу қандай ёзамиш?!

...айрим ойдинларнинг “ц” товушини қандай ифодалаш ҳакида қайфураттаган ҳам унча тушунарни эмас. Бизда ҳеч қачон бу товуш бўлмаган, бўлмайди ҳам. Нега жўнгина “с” деявериш ўрнига, тилимизни бурақи ҳолда ўзига мослаб айтади. Ҳаддидир “доска” деймиз. Бизда минг йиллар олдин ўзига мослаб айтади. Ўзига мослаб айтади. Ҳаддидир “доска” деймиз. Бизда минг йиллар олдин ўзига мослаб айтади. Ўзига мослаб айтади.

Кейнинг ярим асрда шиддат билан кечачидан глобаллашув сабаб жуғрофий чегаралар омонатлашиб, ахборот олиш умумий бўлгани сарни башарият ҳам универсаллашиб, глобал дунё бир тилга интилиб бораёттир. Ана шундай шароитда ўз қиёфасини сақлаб қолмоқчи бўлган этнос миллӣ тили тўғрисида жиддий қайфуриси керак. Ота тилимиз шу вақтга биснинг миллӣ қиёфамизни сақлаб келди. Энди уни замонлар синовидан эсон-омон олиб ўтиш бизнинг илмий, маданий ва инсоний савиамизга боғлиқ.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Бош мұхаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73°-уи.
электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(төл/факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сийёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигига 2011 йил 14 июна 0009-реками билан
рӯйхатдан ўтиклилган.

“Шарқ” нашриёт-матбая акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уи.
Газета оғсет усулида, А-2 форматида
босиди. Ҳажми – 3 босма табоб.
Буюртма рақами – Г – 1001
Адади: 9145
Баҳси келишилган нарҳда.
Топширилди – 18:30.

Тахририятга келган кўләмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нутқи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфхон Раҳмонов
томонид